

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН
РЎЙХАТГА ОЛИНГАН
02.03.2000 й.
N 905

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ ТОМОНИДАН
ТАСДИҚЛАНГАН
22.02.2000 й.
N 429

Мазкур Низом рус тилида тасдиқланган.
Хужжатнинг матни Норма газетаси ва ахборот-қидирув тизими экспертлари томонидан ўзбек тилига таржима қилинган ва ахборот тусига эга. Ноаниқликлар келиб чиққанида меъёрий-ҳуқуқий хужжатнинг рус тилидаги матнига қаранг.

**Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан
қўйиладиган талаблар тўғрисида
НИЗОМ
(Янги тахрирда)**

Мазкур Низомга қуйидагиларга мувофиқ ўзгартиришлар киритилган
АВ 28.05.2005 й. 905-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 06.09.2006 й. 905-2-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 08.11.2010 й. 905-3-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 02.05.2018 й. 905-4-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 14.05.2019 й. 905-5-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори,
АВ 29.08.2019 й. 905-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори

1. Умумий қоидалар
 2. Кредит сиёсати мазмуни
- Илова. Истеъмол кредитлари ва қарзларининг
тўлиқ қийматини ҳисоблаш Тартиби

Мазкур Низом "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида" ва "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, у тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талабларни белгилаб беради.

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Банкнинг кредит сиёсати - кредитлаш жараёнида юзага келувчи таваккалчиликни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали

бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт.

1.2. Тижорат банклари кредит сиёсати алоҳида ҳужжат сифатида ишлаб чиқарилади ва банк Кенгаши томонидан тасдиқланади.

1.3. Ҳар бир банк ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга жорий этиши лозим. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари, банкнинг бошқа мансабдор шахсларига юклатилади.

1.4. Кредит сиёсатининг тавсифи кредит портфелининг таркибига, банк ўз фаолиятини амалга ошираётган ҳудуднинг иқтисодиётига қараб аниқланади. Кредит стратегиясини шакллантиришда ва тегишли кредит сиёсатини тайёрлашда, банк ушбу омилларни ҳисобга олиши шарт.

1.5. Банкнинг кредит сиёсати банк Кенгаши томонидан йилига камида бир марта тегишли йилнинг 1 февралигача бўлган муддатда қайта кўриб чиқилиши керак.

Йил давомида заруратга кўра кредит сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Агар кредит сиёсатининг аксарият қисмига (50 фоиздан кам бўлмаган) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилаётган бўлса, бунда кредит сиёсатини янги таҳрирда қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

(АВ 29.08.2019 й. 905-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд) (Олдинги таҳририга қаранг)

1.5-1. Банкнинг кредит сиёсати, унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки унинг янги таҳрири банк Кенгаши томонидан тасдиқлангандан сўнг 15 кун ичида Марказий банкка тақдим этилиши керак.

Банк Кенгаши томонидан банкнинг кредит сиёсатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти мавжуд эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан 15 кун ичида Марказий банкка Кенгашнинг мажлис баёнидан кўчирма тақдим этилади.

(АВ 29.08.2019 й. 905-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

1.6. Кредит сиёсати кредит (микроқарз) бериш тўғрисида қарор қабул қилишнинг босқичма-босқич жараёнини ва кредит (микроқарз) бериш тўғрисида хабардор қилиш ёки уни беришни асослантирилган ҳолда рад этиш тартибини кўрсатган ҳолда кредит буюртмаларини шаффофлик асосида рўйхатдан ўтказиш ва кўриб чиқиш тартибини ўз ичига олиши керак. (АВ 02.05.2018 й. 905-4-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган банд)

2. КРЕДИТ СИЁСАТИ МАЗМУНИ

- 2.1. Кредит сиёсатининг мақсади ва стратегияси
- 2.2. Ваколатлар даражаси ва масъулиятни тақсимлаш
- 2.3. Кредит турлари
- 2.4. Кредитларнинг тўпланиши
- 2.5. Кредитларни тўлаш
- 2.6. Қарздорларга доир молиявий ахборот
- 2.7. Гаров таъминотига нисбатан қўйиладиган талаблар
- 2.8. Кредит мониторингига нисбатан қўйиладиган талаблар
- 2.9. Фоиз ставкалари

- 2.10. Боғлиқ шахслар билан бажариладиган операциялар
- 2.11. Кўзда тутилмаган ҳолатлар моддалари
(балансдан ташқари моддалар)
- 2.12. Кредит портфелини аудит қилиш
- 2.13. Банк Бошқаруви ва Кенгашига тақдим этиладиган ҳисоботлар

Кредит сиёсати банк фаолияти турларига қараб мазмуни ва тузилмаси жиҳатидан фарқ қилади. Мазкур бўлим банк мақоми ва у жойлашган манзилдан қатъи назар кредит сиёсатида акс эттирилиши лозим бўлган умумий масалалар рўйхатини белгилаб беради.

Бунда кредит сиёсатининг йўналишларида берилаётган кредитларнинг ҳажми ва шакли, қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ўртасидаги нисбат, молиявий ахборотларни таҳлил этиш жараёни, кредит портфели ҳамда маблағларнинг қайтарилишини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар акс эттирилиши лозим.

2.1. Кредит сиёсатининг мақсади ва стратегияси

Ҳар қандай кредит сиёсатининг мақсади одатда қуйидагилардан иборат бўлади: узоқ муддатли инвестициялардан акциядорларга юқори даромад келишини таъминлаш, ликвидликни сақлаб туриш, таваккалчиликни диверсификация қилиш, сиёсат ва тадбирлар бирлигини кафолатлаш, қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш, ҳудуднинг кредитларга бўлган эҳтиёжини қондириш.

Кредитлашнинг стратегик йўналишлари банк Кенгаши томонидан белгиланади ва тасдиқланади.

2.2. Ваколатлар даражаси ва масъулиятни тақсимлаш

(АВ 02.05.2018 й. 905-4-сон билан рўйхатга олинган
МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд)
(Олдинги таҳририга қаранг)

Кредит сиёсатида кредит ажратишда филиаллар томонидан мустақил қарорлар қабул қилишда кредитлашнинг лимитларини белгилаш меъзонларини кўрсатган ҳолда бош банк ва унинг филиаллари ўртасида жавобгарликнинг аниқ чегаралари акс эттирилиши лозим.

Кредитлаш учун масъул бўлган барча шахслар ваколатлари кредит сиёсатида қайд этилиши лозим.

Кредит қўмитаси мажлислари ва унинг банк бошқаруви органлари олдида ҳисобот бериши даврийлиги ҳам кредит сиёсатида белгилаб қўйилиши керак.

2.3. Кредит турлари

Кредит сиёсати банк томонидан бериладиган кредитлар тоифаси ва турларини аниқлаши ва белгилаши лозим. Масалан, кредитлаш соҳалари бўйича: тижорат фаолияти, саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қўйилмаларни молиялаш ва б. Кредит турлари бўйича: "кредит линияларини очиб ва очмай" кредитлаш, ломбард ва вексель кредитлари ва б.

Кредит сиёсатида махсус ссудаларни бериш директив тамойиллари аниқ ифодаланган ҳолда мазкур банк учун мос келмайди ёки мақбул бўлмайди, деб ҳисобланувчи кредит турлари ва тоифалари ҳам кўрсатилган бўлиши керак.

Кредит сиёсати банкларга тақиқловчи қуйидаги қоидаларни ўз ичига олиши керак:
(АВ 29.08.2019 й. 905-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ
киритилган хатбоши)

жисмоний шахсларга хорижий валютада кредитлар (қарзлар) бериш ва кредитлар (қарзлар) бўйича уларнинг мажбуриятларини хорижий валютада ҳисобга олиш; (АВ 29.08.2019 й. 905-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

илгари олинган кредитлар (қарзлар) бўйича сўндирилмаган муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда жисмоний шахсларга янги микромолиявий хизматлар кўрсатиш. (АВ 29.08.2019 й. 905-6-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

2.4. Кредитларнинг тўпланиши

(АВ 02.05.2018 й. 905-4-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги банд)
(Олдинги таҳририга қаранг)

Кредит сиёсати кредитлар ва микроқарзларнинг тўпланиши даражаси, шу жумладан кредит турлари, иқтисодиёт тармоқлари, географик ҳудудлар ва бошқалар бўйича тўпланиши даражаси мониторинги бўйича талабларни ўз ичига олиши зарур. Кредит сиёсатида раҳбариятга мунтазам равишда топшириладиган тегишли ҳисоботларни тайёрлашга доир талаблар белгиланиши лозим.

2.5. Кредитларни тўлаш

Кредитни тўлаш муддати уни тўлашнинг бирламчи ва иккиламчи манбаларини синчиклаб баҳолаш асосида белгиланиши керак. Кредит сиёсат раҳбарият нуқтаи назаридан ҳар хил тоифа ва турдаги кредитларни тўлашнинг маъқул дастурларидан иборат бўлиши зарур.

Кредит сиёсати кредитлар беришнинг максимал муддатларини белгилаши лозим. Ушбу сиёсат шунингдек кредитнинг асосий суммасини кредит тўлаш муддатининг сўнгида ва кредит тўлашнинг бошланғич муддати узайтириладиганда қайтариладиган кредит турларини бериш тартибини ҳам ўз ичига олиши керак.

Кредит сиёсати тўловларни ўз вақтида тўланишини таъминлаш, маблағларнинг қайтарилиши ва берилган кредитлар бўйича қарздорликни ундириб олиш бўйича чора-тадбирларни ўз ичига олиши керак.

2.6. Қарздорларга доир молиявий ахборот

Банк кредит сиёсати кредит бериш босқичида ҳам, кейинги мониторинг босқичларида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг молиявий ҳисоботларига нисбатан қўйиладиган талабларни ўз ичига олиши керак. Молиявий ҳисоботларни аудиторлик текширувларидан ўтказиш, нақд пул оқими ва бошқа маълумотлар бўйича ҳисоботларни тақдим этиш юзасидан қўйиладиган талаблар аниқ ифодаланиши зарур. Шунинг ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, банклар талаб қиладиган маълумотлар Миллий Бухгалтерлик Ҳисоби Стандартларига (МБҲС) мувофиқ тақдим этилиши керак.

Кредит сиёсатида потенциал қарздорларнинг кредит қобилиятини (ликвидлик, қопланиш, мухторлик коэффициентлари, капиталлаштириш даражаси, гаров таъминоти экспертизаси ва б.) аниқлаш учун уларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш тадбирлари батафсил ёритилиши лозим. Банк қарздорларнинг кредит қобилияти мезонлари ва уларни баҳолаш методикасини аниқ белгилаб олиши керак.

Бундан ташқари, кредит сиёсати қарздорлар томонидан бизнес режага буюртмалар портфелининг тузилиши ва банк кредитидан фойдаланган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар,

ишлаб чиқариладиган товарларни сотиш бозорининг мавжудлигини киритиш бўйича талабни ўз ичига олиши керак. (АВ 28.05.2005 й. 905-1-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши)

2.7. Гаров таъминотига нисбатан қўйиладиган талаблар

Кредит сиёсати муайян турдаги қимматликлар (кўчмас мулк, автомобиллар ва б.) гарови асосида бериладиган ссудаларнинг максимал миқдори лимитларини ўз ичига олиши ҳамда таъминланган ссудаларнинг ҳар бир тури учун кредит ҳужжатлари тўпламини расмийлаштириш тадбирларини белгилаши лозим. Банк кредит сиёсатида гаров кредитлашнинг уни бериш вақтидаёқ кредитни тўлаш манбаси (нақд пул ёки давлат қисқа муддатли облигациялари (хазина векселлари) билан таъминланган кредитлар бундан мустасно) ҳисобланган ягона асоси бўлмаслиги белгилаб қўйилиши зарур.

Кредит сиёсати гаровга олинган мулк турига қараб гаров мавзуига нисбатан қўйиладиган талаблар ва кредитнинг гаров қийматига нисбатини ўз ичига олиши керак. Мазкур бандда гаров мавзуи синчиклаб баҳоланиши ва унинг бозор қиймати уни сотиш лозим бўлган пайтда юзага келиши мумкин бўлган зарар ўрнини қоплаши лозимлиги аниқ ёритилиши зарур.

Ҳужжатда гаров мавзуи баҳоловчи ташкилот ва ички банк баҳоловчиси томонидан баҳоланадиган ҳоллар кўрсатиб ўтилиши керак. Турли гаров тоифаларини баҳолаш услублари батафсил акс эттирилиши лозим. Сиёсат кўчмас мулк, ишлаб чиқариш жиҳозлари ва истеъмол кредитларини молиялаш учун бериладиган кредитларни тўлаш ҳисобига қарздор томонидан бўнак тўловларини киритишга доир муайян талабларни ўз ичига олиши зарур. (АВ 08.11.2010 й. 905-3-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори таҳриридаги хатбоши)

Кредит сиёсатида кўрсатилиши лозимки, ер участкалари белгиланган тартибда гаров таъминоти сифатида банкка ўтган ҳолларда, банк ушбу ер участкаларини унга мулк ҳуқуқи ўтган пайтдан бошлаб олти ойдан кечиктирмай сотишга қўйиши керак. (АВ 06.09.2006 й. 905-2-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

2.8. Кредит мониторингига нисбатан қўйиладиган талаблар

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим. Кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари керак. Қарздор ёки гаров аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Ссудаларнинг сифатини аниқлаштириш ва кутилиши мумкин бўлган кредитлар бўйича йўқотишларга қарши етарли резервларни шакллантириш мақсадида чоракда камида бир маротаба банкнинг кредит портфели тўлиқ инвентаризацияси жараёни банкнинг кредит сиёсатида белгиланиши шарт. (АВ 08.11.2010 й. 905-3-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича "тўловсизлик" тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек банк Бошқаруви ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига олиши лозим. Ҳисоботларда аҳволнинг ёмонлашиши, яширин зарарлар сабаблари ва соғломлаштириш режалари батафсил баён этилади.

Кредит сиёсат қарзларни қайтаришга доир изчил босқичма-босқич чора-тадбирлар қўрилишини талаб қилиши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

2.9. Фоиш ставкалари

(АВ 02.05.2018 й. 905-4-сон билан рўйхатга олинган
МБ Бошқарувининг Қарори тахриридаги банд)
(Олдинги тахририга қаранг)

Кредит сиёсати "кредитнинг тўлиқ қиймати" тушунчасини, шу жумладан кредит олиш ва хизмат кўрсатиш (қайтариш) билан боғлиқ бўлган барча тўловлар тўғрисидаги шартлар бўйича тўлиқ маълумотни ўз ичига олиши зарур. Бунда, шу жумладан, ресурслар қиймати, кредит бўйича хизмат кўрсатишга доир кутилаётган харажатлар, воситачилик ҳақи, маъмурий сарфлар, эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар ва банк маржаси баҳоланиши зарур. (АВ 14.05.2019 й. 905-5-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарори тахриридаги хатбоши) (Олдинги тахририга қаранг)

Жисмоний шахсларга берилган истеъмол кредитлари ва қарзларнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаш мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ тартибда амалга оширилади. (АВ 14.05.2019 й. 905-5-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган хатбоши)

АВ 14.05.2019 й. 905-5-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ иккинчи-тўртинчи хатбошилар учинчи-бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин

Кредит сиёсати қуйидаги тақиқларни назарда тутиши шарт:

микроқарз шартномалари бўйича йиллик қарз суммасининг ярмидан кўп миқдорда фоишлар ҳисоблаш, комиссия ва неустойка (штраф, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш;

кредит буюртмаларини кўриб чиқиш, ссуда ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш, кредитлар ажратиш учун тўловлар, шунингдек, жисмоний шахслар ва кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кредитлар (микроқарзлар) муддатидан илгари сўндирилганлиги учун неустойка ундириш.

2.10. Боғлиқ шахслар билан бажариладиган операциялар

Кредит сиёсати банк билан боғлиқ шахсларга бериладиган кредитлар бўйича Марказий банк талабларига мувофиқ келувчи лимитларни ўз ичига олиши лозим.

Кредит сиёсатида банк билан боғлиқ шахслар билан битимларни қисқартириш ёки уларни тузишнинг ҳар қандай имкониятларини бартараф этиш мақсадида боғлиқ шахсларга бериладиган кредитларни тасдиқлаш ва қайта тиклаш тартиби ва тадбирлари белгилаб қўйилиши керак.

2.11. Кўзда тутилмаган ҳолатлар моддалари (балансдан ташқари моддалар)

Кредит сиёсатида кафолатлар ва аккредитивларнинг мақсади ва ишлатилиши, мансабдор шахсларнинг бундай мажбуриятларни чиқаришга доир ваколатлари ва бундай воситалар чиқарилиши мумкин бўлган ҳоллар, шунингдек уларга доир ҳужжатлар ва ҳисоботларга нисбатан қўйиладиган талаблар батафсил ёритилиши лозим.

Балансдан ташқари мажбуриятларни беришда молиявий ҳисоботлар (ҳужжатлар)ни тақдим этишга оид талаблар кредитнинг исталган бошқа турларини беришда фойдаланиладиган ҳужжатлар ва ҳисоботлар билан бир хил бўлиши зарур. Тижорат аккредитивлари бўйича тўловларни ўтказиш, тўлов ва юк ортиш ҳужжатлари (юк хатлари),

суғурта полислари ҳамда халқаро андозалар ва тадбирларга мувофиқ талаб қилинадиган бошқа ҳужжатларга нисбатан қўйиладиган қўшимча талаблар қайд этилиши керак.

2.12. Кредит портфелини аудит қилиш

Сиёсат банк кредит портфелини вақти-вақти билан баҳолашга жавобгар бўлган мансабдор шахслар рўйхатини белгилаши ҳамда кредит портфели сифатини аниқлаш ва тузатишлар минимал юзага келувчи йўқотишлар билан киритилиши учун муаммоли кредитларни аниқлаш учун зарур бўлган ички банк кредит таҳлили мақсадларини белгилаб қўйиши лозим.

Таҳлил мақсадлари кредит сифатини аниқлаш билан бир қаторда кредитлаш жараёнини бошқариш сифатини баҳолаш, жумладан, тасдиқланган кредит сиёсати мувофиқлигини таъминлаш ва кредит ҳужжатларини расмийлаштириш тадбири, молиявий таҳлил, гаровни расмийлаштириш ва баҳолаш, кредитлашга доир ваколатларни тақсимлаш, қонунчилик меъёрларига риоя қилиш.

2.13. Банк Бошқаруви ва Кенгашига тақдим этиладиган ҳисоботлар

Кредит сиёсати банк хизматлари ва бўлинмалари томонидан Банк Бошқаруви ва Кенгашига кредитлашнинг турли жиҳатлари бўйича топшириладиган ҳамда кредит портфели сифати ва кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ бўлган бошқа маълумотларни ўз ичига олган ҳисоботлар тури ва даврийлигини белгилаши лозим.

Ҳисоботлар филиаллар ва банк бўйича умуман кредитлаш воситалари ва йўналишларига қараб таваккалчиликларни баҳолаш учун бошқаришнинг турли даражаларига мослаштирилган ҳамда батафсил ёритилган бўлиши керак.

Мазкур Низомнинг амалга киритилиши муносабати билан 1999 йил 11 февралда Адлия вазирлигида 627-рақам билан давлат рўйхатига олинган Марказий банкнинг 1998 йил 9 ноябрдаги 429-сонли "Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низом"и ўз кучини йўқотади.

**Низомга
ИЛОВА**

АВ 14.05.2019 й. 905-5-сон билан рўйхатга олинган МБ Бошқарувининг Қарорига мувофиқ киритилган илова

Истеъмол кредитлари ва қарзларининг тўлиқ қийматини ҳисоблаш ТАРТИБИ

Мазкур Тартиб жисмоний шахслар - истеъмолчиларга (бундан буён матнда қарз олувчилар деб юритилади) берилган истеъмол кредитлари ва қарзларнинг тўлиқ қийматини ҳисоблаш тартибини белгилайди.

1. Мазкур Тартибда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

кредит ёки қарзнинг тўлиқ қиймати (бундан буён матнда КТҚ деб юритилади) - истеъмол кредити ёки қарз олиш билан боғлиқ тўловларининг ҳаққоний, йиллик ва самарали ҳисоблашдаги фоиз ставкаси ҳамда тўлиқ қиймати;

шартнома - тижорат банклари ва уларнинг филиаллари (бундан буён матнда банклар деб юритилади) томонидан қарз олувчиларга пул маблағларини тўловлилик, муддатлилик ва қайтаришлилик шартлари асосида берилишини назарда тутувчи кредит ёки қарз шартномаси.

2. КТҚни ҳисоблаб чиқишда қарз олувчининг қуйидаги тўловлари ҳисобга олинади:

а) асосий қарз ва фоизлар бўйича тўловлар;

б) банк фойдасига амалга ошириладиган тўловлар - агар бундай тўловлар шартнома шартларига мувофиқ қарз олувчининг мажбуриятларига кирса ва/ёки кредит ёки қарз берилиши бундай тўловларни амалга оширилиши билан боғлиқ бўлса;

в) учинчи шахслар фойдасига амалга ошириладиган тўловлар, агар бундай тўловлар шартнома шартларига мувофиқ қарз олувчининг мажбуриятларига кирса, шу жумладан қуйидаги тўловлар:

суғурта ташкилоти фойдасига амалга оширилган тўловлар, агар суғурта шартномаси бўйича суғурта ҳодисаси юзага келган тақдирда наф олувчи бўлиб банк ҳисобланса;

қарз олувчининг мажбуриятлари таъминотига қабул қилинган ва гаровга қўювчининг ихтиёрида қоладиган гаров предметини гаров шартномаси бўйича суғурта қилишда қарз олувчи томонидан суғурта ташкилотининг фойдасига амалга оширилган тўловлар;

қарз олувчи томонидан кафолат (кафиллик) олиш учун кафолат берувчига (кафилга), шунингдек гаровга топшириладиган мулкни баҳолаш учун баҳоловчи ташкилотга тўланган тўловлар;

мижозларни жалб қилиш, улар томонидан кредит ёки қарз олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни текшириш, ушбу ҳужжатларни банкка топшириш, кредит ёки қарзларни қоплаш ҳисобига банк мижозларидан тўловлар ва пул ўтказмаларини қабул қилиш бўйича банкка хизмат кўрсатадиган ташкилотлар (воситачилар) ҳисобига амалга оширилган тўловлар.

Банк томонидан КТҚ кўрсаткичининг ҳисоб-китоби шартнома муддати тугагунга қадар мазкур бандда назарда тутилган барча тўловларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

3. КТҚ ҳисоб-китобига қуйидагилар киритилмайди:

а) қарз олувчининг учинчи шахслар фойдасига амалга оширадиган тўловлари, мазкур Тартибнинг 2-бандида кўрсатилган тўловлар бундан мустасно;

б) қарз олувчининг шартнома шартларини бажарилмаслиги билан боғлиқ тўловлари, шу жумладан неустойка ва бошқа турдаги жарималар.

в) банк пластик карталаридан фойдаланган ҳолда берилган кредитлар (қарзлар) бўйича тўловлар, хусусан:

валюта ҳисобварағидан (ажратилган кредит валютасидан) фарқли ўлароқ, бошқа валютада амалга оширилган операциялар бўйича ундирилган комиссиялар;

банк картасини чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ комиссиялар;

кредит (қарз) суммаларини банкоматлардан фойдаланган ҳолда нақд пулда олганлиги учун тўланган комиссиялар.

4. Банклар қуйидаги ҳолларда КТҚни ҳисоблаб чиқишлари шарт:

а) шартнома тузилганда;

б) кредит ёки қарз олиш истагини билдирган қарз олувчиларга кредит ёки қарз олиш шартлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш вақтида. Агар маълумотлар тақдим этиш

вақтида мазкур Тартибнинг 2-бандида назарда тутилган айрим тўловлар миқдорини аниқлаш имкони бўлмаса, у ҳолда банк томонидан унга маълум бўлган шу турдаги тўловларга амал қилиши ҳамда кредит ёки қарз олиш истагини билдирган қарз олувчиларга шу тўловларнинг манбаларини ошкор қилиши лозим (масалан, КТҚни ҳисоблашда тарифларидан фойдаланилган суғурта компаниясининг номи ва бошқалар).

5. КТҚни ҳисоблашда қарз олувчининг кредит ёки қарз бўйича амалга ошириб бўлган тўловлари улар ҳақиқатда тўланган вақтда, келажақда амалга оширадиган тўловлари эса, шартнома тузилган санада маълум бўлган кредит ёки қарз бериш шартларига асосан тўловларни тўлаш жадвали бўйича ҳисобга олинади.

Агар гаров предметини суғурталаниши шартнома тузилган санадан кейин амалга ошириладиган бўлса, у ҳолда банк қарз олувчидан суғурта компаниясига амалга оширилиши мўлжалланаётган тўлов суммасини аниқлаши ва шу суммадан келиб чиққан ҳолда КТҚни ҳисоблаб чиқиши шарт.

6. Агар кредит ёки қарзнинг фоиз ставкаси базавий кўрсаткичларга (Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси, инфляция даражаси ва бошқалар) боғланган бўлса, у ҳолда банк КТҚни ҳисоблашда шу кундаги базавий кўрсаткичларнинг миқдоридан фойдаланади.

7. Банклар КТҚни дастурий воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоблайди. Бунда, Microsoft EXCEL дастурининг ЧИСТВНДОХ функциясидан фойдаланиш тавсия этилади (агар Microsoft EXCELнинг версияси инглиз тилида бўлса, у ҳолда XIRR функцияси).

8. Банклар ўзларининг расмий веб сай-сайтларида потенциал қарз олувчиларга КТҚни мустақил ҳисоблаб чиқиш имкониятини яратиб беришлари лозим. Бунда банклар КТҚнинг ҳисоб-китоб тартибини ва уни ҳисоблаб чиқишдаги тўловларнинг рўйхатини ошкор қилишлари керак.

9. КТҚни ҳисоблашда вергулдан кейин бир белгигача яхлит қилиб ҳисобланади. Агар вергулдан кейинги иккинчи белги "5" га тенг ва ундан юқори бўлса, у ҳолда иккинчи белги бир бирликка оширилади.

Масалан: КТҚ кўрсаткичи 18,66 ни ташкил қилди. У яхлит қилиб ҳисоблангач - 18,7 ҳосил бўлади.

10. Банклар КТҚнинг миқдорини қарз олувчилар билан тузиладиган шартномаларда кўрсатишлари шарт. КТҚ миқдори шартноманинг биринчи варағининг ўнг юқори бурчагида, квадрат шаклдаги рамка ичига, оқ фонда қора ранг билан, 16 ўлчамдан кам бўлмаган яхши ўқиладиган шрифт билан, рақам ва сўзлар билан ёзилади.

11. Банклар қарздорга КТҚ миқдори тўғрисидаги маълумот билан бирга, шартнома тузиш пайтида унинг мутлақ қийматини, яъни кредит ёки қарзнинг асосий қиймати, фоизлари, комисион ва бошқа тўловлар, шу жумладан амалдаги таърифлар бўйича учинчи шахс фойдасига тўланадиган тўловларни, агар бундай тўловлар қарздорнинг мажбурияти бўйича шартнома шартларидан келиб чиқадиган бўлса, уларни алоҳида кўрсатган ҳолда ёзма маълумот тақдим этади.

12. Банклар оммавий ахборот воситалари орқали кредит ёки қарз тўғрисидаги маълумотларни эълон қилганларида, ушбу эълонда банкка мурожаат этилганида миждозларга кредит ёки қарз олиш билан боғлиқ КТҚни ҳисоблаб берилиши ҳақида ахборот беришлари лозим.

